
БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ҚАНЧА МУДДАТГА ТАЙИНЛАНАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 654-сон қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан,

Болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади ва оиланинг энг кичик ёки ягона фарзанди ўн саккиз ёшга тўлгунигача тўланади.

Моддий ёрдам фарзандлари бўлмаган ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва яққа-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади.

□Юқорида кўрсатилган муддатлар тугаганидан кейин бола пули ёки моддий ёрдам олувчи оила яна қайта ариза бериш йўли билан олаётган моддий ёрдам пулини янги муддатга узайтириши мумкин.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон туман бўлими

2022-09-29 10:16:22